



ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2000 йил 1 ноябрь, чоршанба

№84 (11.269)

Эркин нархда сотилади

«Ганновер-2000»

ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН КЎРГАЗМАСИДА

Германияда жорий йилнинг биринчи июнида «Инсон. Табиат. Технология» шiori остида иш бошлаган «ЭКСПО-2000» Умумжаҳон кўргазмаси ўттиз биринчи октябрь куни ниҳоясига етди.

Кўргазмада ер юзидagi икки юзга яқин давлат ўзининг энг сўнгги техникавий кашфиётлари, янгиликлари билан иштирок этди. Ушбу нуфузли халқаро тадбирда мамлакатимиз вакиллари мустақил давлат фуқаролари сифатида илк бор қатнашди. Шунга қарамай, юртимиз учун ажратилган бир ярим минг квадрат метр ҳажмдаги майдон бошқа халқларнинг кўргазма хоналарига қараганда ўзига хос қиёфаси билан ажралиб турди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган барча ўзгаришлар, шунингдек, тарихий тараққиёт босқичлари кўргазмада ажойиб экспонатлар, матнлар, видео ва аудио материаллар орқали ўз аксини топа олди. Бунда юртимизнинг ўн икки вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида ҳикоя қилувчи «Мустақил Ўзбекистоннинг дунё ҳам-жамиятига жадал кириб бориши» мавзусидаги экспозиция бўлими ҳамда «Биз — Ўзбекистон фуқароларимиз» фотосуратлар жамланмиси, айниқса, диққатга сазовор бўлди.

Кўргазманинг «Буюк Ипак йўли» қисми Ўзбекистоннинг ҳорижий давлатлар билан азаллий савдо-сотик ва иқтисодий алоқалари тарихига бағишланди. Хорижий ишбилармон донлар вакилларимизга янги илмий технология, интеллектуал мулк, табиий офатлардан сақланиш, экология, банк иши, нефть ва газ саноати, компьютер тизими, таълим, саноат, минералогия, мармар ва ипакни қайта ишлаш каби соҳалар бўйича яқиндан ҳамкорлик қилиш таклифлари келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, Ганновер шаҳрида ўтказилган «ЭКСПО-2000» умумжаҳон кўргазмасида мамлакатимизнинг ўзига хос қиёфаси, ички ва ташқи салоҳияти, иқтисодий имкониятлари яна бир қарра намойён бўлди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

ЧИНОЗНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМИ



Туман пахтакорлари бу йил ҳам вилоятда биринчилардан бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Етиштирилган ҳосил ҳашарчиларсиз териб олинмоқда

Туман меҳнаткашлари 7219 гектар ернинг дан олинадиган даромад 1 миллиард 141,5 ҳар гектаридан 28,1 центнер ҳосил олиб давлатга 19200 тоннадан ортиқ хом ашё етказиб беришди. Ҳосилнинг 3000 тоннадан ортиғи машиналарда териб олинди, асосий қисми юқори навларда топирилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда туман пахтачилигининг ўзи-

Дехқончилик учун бирмунча мураккаб келган 2000 йилда чинозлик деҳқонларнинг етиштирилган ҳосилни ҳашарчиларсиз териб олиш тўғрисидаги ташаббусига кўпчилик шубҳа билан қараган эди. Лекин туман меҳнаткашлари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Барча ҳўжаликларда пахта ички имкониятлар ҳисобига йиғиб-

териб олинмоқда. Демак, иш тўғри ташкил этилса, бунинг урдасидан чикса бўлар экан. Албатта, кузда пишиб етилган ҳосилни териб олиш, режани бажариш масаланинг бир томони. Аввало, далада бу ҳосилни етиштириш керак. Айтишадик-ку, қозонда бўлса, чўмига чиқадик, деб. Демак, бугун чинозликларнинг му-

ваффақияти ҳақида гап та замин яратилганлигидан бошламоқ керак.

Равшан Укибоев бошлиқ бригада жамоаси Чиноз туманидагина эмас, вилоятда биринчи бўлиб маррага етдилар. 55 гектар майдонда деҳқончилик қилган пахтакорлар бугунги кунда Амир Темур номи ширкат ҳўжалигида энг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Суратда: (чапдан) бригада етакчиси Равшан Укибоев, илгор теримчилар Минавар Чоршанова ҳамда Куролой Турғунова.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

(Давоми 2-бетда)

«ОРОЛ БОЛАЛАРИГА»

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ўтган дам олиш кунларида янада кўркамлашди. Кўзнинг охиригидеги кўнларда йиғит-қизлар ётоқхона, ўқув бинолари ҳудудини ободонлаштирди, суғуриб-сидириб, янги кўчатлар ўтказишди.

Талабалар 28 октябрь — умумреспублика экологик ҳашар кунини ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишди. Ушбу ҳашар Ўзбекистонда «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жағфармасининг ташаббуси билан бўлиб ўтказилган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ташкил этилди.

Бу галги экологик ҳашар шiori — «Орол болаларига» деб номланди. Бунда Оролбўйи минтақаси қишлоқ ҳўжалигига катта зиён етказган сув тақчиллигининг жиддий оқибатлари назарда тутилди. Сув тақчиллиги минтақанинг умумий ижтимоий-экологик ҳолатига, шу жумладан аҳоли саломатлигига, айниқса болалар соғлиғига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

Ҳашар кунини мамлакатимизнинг юз минглаб аҳолиси шаҳар ва қишлоқлари кўкаламзорлаштириш, маҳаллалар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш билан шуғулланди. Бундан ташқари, кўпчилик ўз иш жойларида меҳнат қилди, шунингдек, қишлоқ аҳолисига ёрдам бериш учун пахта теримига чиқишди.

Шу кунини ишлаб топилган маблағлар Орол болаларига инсонларварлик ёрдами дастурини амалга оширишга сарфланди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ ҳаёти

АНГРЕНДА МАРКАЗ ШАҲОБЧАСИ

Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигига қарашли республика реабилитация марказининг Ангрен шаҳар ногиронлар соғлиғини тиклаш бўлими очилди.

Марказ шаҳобчаси сифатида иш бошлаган бу масканда олиб борилаётган тиббий муолажалар ўз саломатлигини йўқотган ногиронларни меҳнатга қайтаришдек хайрли ишга

хизмат қилади. Вилоят ижтимоий-таъминот бошқармаси ушбу саломатлик марказини бир неча минг сўмлик дори-дармон билан таъминлади.

Ақбар АЛИЕВ.

ҲИММАТ КЎРСАТМОҚДАЛАР

«Экосан» жағфармаси вилоят бўлими экология ва саломатлиқни яхшилаш учун қурашиш билан бир қаторда эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятини ҳам давом эттирмоқда. Бу борада қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти.

Хусусан, Пскент тумани халқ таълими ходимларига ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 167 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда кийим-ке-

чаклар тўхфа қилинди. Бу саҳоватга «Вилоят-савдо» ҳиссадорлик компанияси ҳам муносиб улуш қўшди.

Лутфинисо
ФАЙЗИЕВА.

ОИЛАНГ ТИНЧ — СЕН ТИНЧ

Қибрай шаҳарчасида «Маҳаллаларда оилавий низоларни ҳал этиш усуллари» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Унда маҳалла қўмиталари яраштирув комиссияларининг асосий вазифалари, замонавий ўзбек оилаларидаги муаммоларни бартараф этиш, шарқона оила тарихи, маданияти, урф-одатлари, шунингдек, қайнона ва келинлар ўртасидаги муносабатлар мавзулари атрофида муҳокама қилинди.

Илмий-амалий кенгашда маҳаллаларда, фуқаролар йиғинларида олиб бориладиган лозим бўлган ишлар хусусида ҳам зарур таъсирлар берилди. Маълумотли республика «Баркамоллик маркази» раҳбари О. Аванесова ва руҳшўно олим В. Эрметовлар олиб боришди.

Ана шундай семинар-йиғилишлар тумандаги барча фуқаролар йиғинлари ҳамда маҳаллаларда давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз.

ВИЛОЯТ ҳаёти

«Тошкент хақиқати»га жавоб берадилар

«ПОЧТАБОННИ КЎРГАН БОРМИ?»

Газетамизнинг 2000 йил 18 октябрь сонида босилган мазкур мақолага «Тошкент почтаси» акциядорлик жамияти Бўқа тумани филиали бошлиғи А. К. ШОТЕМИРОВдан ҳам жавоб хати олинди.

— Мақолада жамоамиз фаолиятидаги камчиликлар тўғри кўрсатилган, — дейилади жавобда. — Уни барча ходимларимиз ўртасида атрофлича муҳокама қилдик, йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Муҳокама жараёнида шу нарса қайд қилиндики, ҳақиқатдан ҳам 2000 йил учун ўтказилган обуна вақтида ўндан ортиқ корхона, мактаблар рўзнома ва журналларни юборган «Билдиришномалар» асосида почтадаги махсус абонент яшиқларидан олиб кетар эдилар. Шунга қилишилганди. Маълум бўлдики, бу тартиб ўзини оқламади. Айрим жамоалар, жумладан, 35-мактаб ўзига тегишли нашрларни вақтида олмай қўйди.

Кўрилган тадбирлар ва келишувлар туфайли нашрларни бундан кейин почталарнинг ўзлари олиб бориб берадиган бўлдилар. Яна бир ҳолат қайд этилди: 2000 йил учун обуна яхши ташкил этилмаган, шу сабабли кўп корхона ва ташкилотлар газета ва журналларга асосан 3-6 ойлик муддатга обуна бўлишган. Натижада йилнинг ярмига бориб, обуначилар сони ўз-ўзидан камайиб кетган. Жамоалар нашрларни умуман олмай қўйганлар.

2001 йил учун обуна қизгин давом этаётган айни кунларда ўтган йили йўл қўйилган бу камчиликларнинг тақдорланмаслиғи учун амалий ишлар қилинмоқда. Агар ўтган йил шу муддатга қадар 40та газетга 29 минг сўмлик обуна қилган бўлса, ҳозирги кунга келиб 144та газетга 750 минг сўмлик обуна уюштирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу обунанинг 90 фоизидан кўпи йилликдир. Бундан ташқари барча филиалларимизда газета ва журналларни нақд пулга сотиш йўлга қўйилди.

ОЛМАЛИҚ ГИЛАМ-ПОЯНДОЗЛАРИ ЯНА ДОВРУҒ ЁЯДИМИ?

Бир вақтлар Олмалиқ гилам-пояндозларининг дўконига келганини эшитган одам, бориши билан унинг тугаганидан хабар топарди. Бироқ кейинги пайтда Олмалиқ гилам-пояндозлари бозорларимиздан «бадарага» бўлиб, улар ўрнини четдан келтирилган «сирти ялтироқ, ичи қалтироқ» гилам-пояндозлар эгаллаган эди.

Яқинда Олмалиқдаги гилам-пояндоз фабрикаси узок йиллик танаффусдан сўнг яна иш бошлади. Бу ерда бир пайтлар ўзининг жилоси ва беҳиричилиги билан доврўг қозонган гилам-пояндозлар энди замонавий услубда ишлаб чиқаришмоқда. Корхонада жорий қилинган чикитсиз технология натижасида янги маҳсулот — наमत ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда ойига 300 минг квадрат метр хариддоригр маҳсулот тайёрланмоқда. Корхонага хорижий сармоя жалб этиш ана шундай муваффақият келтирди.

— Тўғриси, биз бозор шариғатида ўрғонолмай анча кийналдик, — дейди корхона етакчиси Н. Деҳқонов. — Корхонамиз хатто банкрот ҳолатига келиб қолди. Хайриятки, изланмаларимиз бесамар кутмади, қадди-мизни тетиб олдик. Ҳозир эшигимиздан миждозларнинг оёғи ўзимизга қолди. Харидорлар бозорларда фақат Олмалиқ гилам-пояндозларини сўрайдиган бўлишди. Чунки, маҳсулотимизнинг сифати яхши. Хорижийдан қилишмайди. Тўғри, Эрон ва Туркия гилам-пояндозлари кўринишдан кўзни олади.

Н. ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

«Ҳамма ўрнидан турсин, суд келаяпти» сўзларидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий судида бошланган суд жараёнига тўпланганлар ўрнидан қалқди. Фақат тўққиз айбланувчидан олтитаси ўрнидан турмади, чунки Улар бу ерда йўқ. Улар адолатдан қочиб қутилиш мумкин деган хомхал билан хорижага қўйилган паноҳига беркирилди.

Бироқ, Олий судда Тоҳир Йўлдошев, Жумабой Ҳожиёв, Салай Мамадинов, Муродилла Қоziёв, Улугбек Бобохонов, Хомиджон Раҳмонов, Шовкат Қаринов, Нахмиддин Джалолов, Йўлдош Умаров, Олимжон Абдувоҳидов, Усмон Шукуров ва Улугбек Маҳмудовга нисбатан бошланган суд

31 октябрь куни айблов ҳулосаси билан таништириш якунланди. Давлат қораловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратори ўринбосари Э. Қудратов судланувчилар Жиноят кодексининг ўндан ортиқ моддаси бўйича айбланаётганини айтди. Қора курсидан жой олган У. Маҳмудов ва О. Абдувоҳидов айбига тўлиқ иқроорлигини, У. Шукуров эса гуноҳини қисман тан олишини билдирди. Шундан сўнг, суд маж-

СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ

жараёни ҳар қандай шароитда жиноятга жазо муқаррар эканлигини яна бир қарар исботламоқда. Улар қасддан одам ўлдириш, миллий, ирқий ёки диний адолат кўзга таш, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Конституциявий тузумига таъвоз қилиш, қўпоровчилик, босқинчилик, жиноий уюшма ташкил этиш, транспорт васитасини олиб қочиш каби жиноий ишларни содир этишда айбланмоқда.

Айблов курсисидан ҳозирча О. Абдувоҳидов, У. Шуку-

ров ва У. Маҳмудов жой олган бўлса-да, қолганлари ҳам темир панжара ортда ўтиргандек. Чунки улар содир этганликда гумон қилинаётган жиноятларга қонун нуктаи назаридан баҳо бериш зарурлигини юртимизнинг ҳар бир фуқароси қалбдан хис этиб турибди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддасига мувофиқ, судланувчи адолатли ҳукмдан қочиб юрса ҳам, унинг устидан ҳукм чиқариш мумкин.

«деб атаган ғуруҳ аъзолари томонидан ўн тўрт яшар ўғлига етказилган азоблар ҳақида гапирар экан, кўз ёшларини тийиб туролмади. Ғуруҳ аъзолари болани «дин йўлига солиш учун» оёқ-қўлини боғлаб қўйиб калтаклаган. Бундай қийноқлар азобидан ўлим тўшагига тушиб қолган ўсмир узок вақт касалхонада ётиб даволанишга мажбур бўлган.

Суд мажлисида кўрсатма бераётган жабрланувчиларнинг сўзларига қараганда, одамларни асоссиз равиш-

Суд жараёнига Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосари Бахтиёр Жамолов раислик қилмоқда.

Жараённинг биринчи кунини қораловчи ва ҳимоячилар таништирилиб, томонларнинг ҳуқуқлари тушунирилган, айбланувчиларнинг шахсига оид маълумотлар берилди. Давлат қораловчиси — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратори ўринбосари Эркин Қудратов айблов ҳулосасини баён қилди.

да айблаб, инсон чидаи олмайдиган қийноқларга солиш, сурункасига калтаклаш, пул талаб қилиш, босқинчилик, давлат идоралари ваколатларини эгаллаш Т. Йўлдошев ва унинг шериклари учун ода-тийи ҳолга айланган. Ғуруҳ аъзоларининг ақсариёти қилмишига яраша жазо олган бўлса-да, уларнинг раҳбарлари кирдиқорларига қонун нуктаи назаридан баҳо бериш мазкур суд жараёнининг мақсадларидандир.

(ЎЗА).



(Давоми. Боши 1-бетда).

Хўш, бу ютуқлар замини нималардан иборат!?

Биз кўпинча, айрим жойларда терим мавсуми бошланганида шовқин-суронларнинг, талаб ва ҳаракатларнинг гувоҳи бўламиз. Чинозликлар эса бундай ҳаракатларни, таъбир жоиз бўлса, ерга уруғ ташланган кундан бошлашди.

Биринчидан, туманда чигит энг маъқул муддатларда экилди. 7219 гектар майдоннинг ҳар бир гектарига деярли тўлиқ кўчат олишга эришилди. Шу кундан бошлаб ҳўжаликларда ҳосил учун кураш авж олди. Барча агротехника тадбирлари маромида ўтказилди.

Ёзининг қоқ чилласида туманга ташриф буюрганимизда одатдан ташқари йиғилишнинг устидан чиққан эдик. Йиғилиш раиси туманда ташкил этилган махсус гуруҳнинг ҳисоботини эшитгач, ҳўжалик раҳбарлари зарур топшириқларни берди.

Бир-икки ҳўжалик алоҳида ёндошилди. Бироз асаббузарлик ҳам бўлган эди, ўшанда. Йиғилишдан кейин ҳоким вазифасини бажарувчи Тунгунбой Ботировга сал ошириб юбормадигларим, деган саволни бердим. Шунда у бироз ўйга толиб:

Биласизми, мамлакатимизда кенг қўламда ислохотлар жараёни борапти. Қишлоқ ҳўжалигида уларни амалга ошириш энг устивор йўналишлардан бири.

Лекин, йиллар давомида буйруқ асосида ишлаб ўрганган раҳбарлар ва деҳқонлар тафаккурида ўзгаришлар яшаш оғир кечяпти. Қолаверса, ҳар қандай ишда тартиб-интизом бўлиши керак. Бунингсиз муваффақиятга эришилмайди.

Дарҳақиқат, Тунгунбой Ботиров ҳақ гапни

айтганди. Ислохот айрим-лар ўйлагандек, бир зумда амалга ошиб қоладиган иш эмас. Бунинг учун вақт керак. Аммо, ана шу вақтни беҳуда ўтказиш ҳам ярамайди. Бунинг учун талаб, назорат ҳам зарур. Бу кўр-кўрона эмас, ақл-идрок, ҳўжаликка, деҳқонга бериладиган зарур маслаҳатлар ва кўмак билан амалга ошириш керак. Энг муҳими, одамларда ишонч уйғотмоқ зарур. Чиноз туманида ана шунга эришилмоқда. Шу туфайли сўнгги йилларда деҳқончиликнинг ҳамма соҳаларида эришилган натижалар салмоқли бўлиб борапти. Мана икки йилдирки, туман галла тайёрлаш давлат буюртма режасини вилотда биринчи бўлиб адо этмоқда. 1999 йилда пахта режасини 22 иш кунини вилотда биринчи бўлиб ўринлатган чинозликлар бу йил иккинчи бўлишди. Аммо, ҳўжаликларда ҳосилнинг тўлиқ ҳашарчиларсиз йиғиб-териб олинаётганлиги Тошкент вилотида янги ташаббуснинг бошланishi бўлди.

Хўш, нималар ҳисобига туман ўз кучи билан пахтани йиғиб-териб олмақда?!

Бунга ҳам бошидан пухта замин яратилди. Йиғим-терим стратегияси ишлаб чиқилди. Далаларда мўл ва эртаги ҳосил етиштирилди. Ҳар бир ҳўжалик, бригада, пудратчи гўза ўстирган майдонлар ўрганиб чиқилди. Қайси майдонда қачон теримни бошлаш режаси тузилди. Шу тариқа ишга киришилди. Шу ўринда яна бир гапни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу — машиналарга таъйин, терим техникасидан самарали фойдаланиш тактикаси эди. Ушбу режани ишга солиш учун барча бўлинмалар сафарбар этилди. Туман ҳокимлиги унинг амалга оширилишини таъминловчи бош штаб вазифасини бажарди. Бугун шунинг дадил айтиш мумкинки,

ЧИНОЗНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМИ

мавсум бошида ишлаб чиқилган тадбирлар ўзининг самарасини берди. Бунга биргина вилотда биринчи бўлиб йиллик режани адо этган Амир Темури номили ширкат ҳўжалигидаги натижалар мисол бўла олади.

— Режани барвақт бажаришимизнинг асосий омилли шуки, биз бу йил ҳамма майдонларда гўзани машина теримига мослаб парвариш қилдик, — дейди Амир Темури номили ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Мирза-аҳмад Раҳмонов. — Мав-

жуд 395 гектар майдонда етиштирилган гўзанинг пишиб етилиш давригача аниқ ҳисоб-китоб қилдик. Ҳосилнинг кам деганда 80 фоизи очилганда теримни бошладик. Ана шу режамизни пухта амалга ошириш ҳисобига давлатга топширилган пахтанинг 80 фоизини машиналарда териб олишга эришдик.

Ҳақиқатан ҳам ҳўжаликда ҳашарчиларни теримга жалб этиб, ўқишдан ва ишдан қолдирилмади. Биринчи терим ҳисоби-гаёқ режа адо этилди.

Абдурашид Арслонов, Абдуҷаббор Дўсинбетов, Хурсандбой Бўрибоев, Қурбонбой Йўлдошев бошлиқ бригадаларда 40 центнердан ошириб ҳосил олинди. Ҳўжалик бўйича эса гектар бошига кўтарилган хирмон 38,8 центнерга етди. Давлатга 1150 тонна ўрнига 1402 тонна хом

ашё топширилди. Бу йиллик режа 122 фоизга бажарилди, деган сўз. Тумандаги Эрназаров номили, «Гулзобод» ширкат ҳўжаликларида ҳам ҳар гектар ердан 31 центнерга етказиб ҳосил олинди. «Чиноз», Турсуно Охунова номили, «Ўзбекистон» ҳўжаликларида режа 105-120 фоиз

адо этилди.

Туман эришган галаба-га фермер ҳўжаликлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар режадаги 2071 тонна ўрнига 2270 тоннадан ортиқ пахта йиғиб-териб олдilar. «Муқимий», «Зарафшон», «Арслонбоев» фермер ҳўжаликлари ўз режаларини бир ярим-икки баробар ошириб адо этдилар.

Албатта, белгиланган тадбирларни амалга ошириш, қўтилган натижага эришиш учун шароитни, аниққиса, об-ҳавони ҳисобга олиб иш кўрмаган деҳқон панд еб қолиши ҳеч гап эмас. Туман раҳбарияти буни ҳамиша ҳисобга олиб иш юритди. Октябр ойида бўлиб ўтган сурункали ёғингарчилик мураккаб вазиятларни юзга келтиргани рост. Ана шундай кезларда «эҳ, ҳаво 5-6 кун туриб берганда эди», деган сўзларни ҳам кўп эшитдик. Лекин туманда қўл қовуштириб ўтирилмади. Иккони бўлган паллада теримга киришилди. Шу ўринда туман меҳнаткашларининг, корхона, ташкилот, муассаса жамоаларининг пахтакорларга берган кўмаги тахсинга лойиқ. Бу борада биздан туман ҳудудий тиббиёт бирлашмиси, туман халқ таълими бўлими, «Олмазор-М», «Чиноздон», тумандаги балликларга омихта ем тайёрлаш корхонаси ишчи-хизматчиларининг қўшган салмоқли ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб ўтишимизни сўрашди. Дарҳақиқат, мураккаб шароитларда сафарбарликнинг тўғри ташкил этилиши, одамлардаги юртпарварлик туйғуси бугунги муваффақиятни таъминлаган энг катта омиллардан биридир. Шу туфайли айни кунларда ҳам ўн-ўн икки минг нафар теримчи далаларда пахта термоқда.

Бундай ташкилотчилик ишларини амалга оширган туман ҳокимлиги ҳар беш кунда теримчиларга терилган пахта учун ўз вақтида пул бериб борилишини, пешқадамларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турилишини ҳам таъминламоқда. Сўнгги беш кунлик якунига кўра «Чиноздон» жамоасига телевизор,

марказий касалхона жамоасига магнитофон, балликларга омихта ем тайёрлаш корхонаси ҳашарчиларига гилам берилганлиги ана шунинг бир далилидир.

Биз туманда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапирдик. Бу бежиз эмас. Зеро, ҳўжаликларда ер эгалари шаклланиб бормоқда. Бугунги кунда туманда 3950 нафар оилавий пудратчи фаолият кўрсатаятганлиги ана шундан далолат. Пудратчилар ўз ерларида ҳалол, виждонан меҳнат қилмоқдалар. Уларда ҳосилдорлик тобора юқорилаб бормоқда. Моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша... Бизга бу йил пахтадан келадиган даромаднинг айтиб ўтиришмади. Лекин, бир нарсани аниқ. Мавжуд 7219 гектар майдондан 19200 тоннадан ортиқ ҳосил териб олган чинозликларнинг қўли баракали пул кўради. Чунки, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Агар туманда режага қўшимча 1500 тонна пахта ҳосили топширилишини ҳисобга олсак, бу рақамлар янада салмоқли бўлади.

Чинозликларнинг яна 1500 тонна ҳосилни йиғиб-териб олишларини ишонч билан айтиётганлигимизнинг асоси бор. Чунки, далада ҳали ҳосил қўп. Ҳўжаликлардаги сафарбарлик, ушшоқлик иккинчи довод ҳам тез кунларда эгалланишидан далолат бериб турибди.

Шу билан бир вақтда туман меҳнаткашлари Вазирлар Маҳкамасининг бу йилги терим мавсумини 15 ноябрга қаратганлиги билан аниқ. 7219 гектар майдондан 19200 тонна ҳосил териб олишларини ишонч билан айтиётганлигимизнинг асоси бор. Чунки, далада ҳали ҳосил қўп. Ҳўжаликлардаги сафарбарлик, ушшоқлик иккинчи довод ҳам тез кунларда эгалланишидан далолат бериб турибди.

Фатхиддин МУХИДДИНОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Режани пухта олган тумандаги Турсуно Охунова номили ҳўжаликда ҳам бу йил баракали ҳосил етиштирилди. Йиллик режани 105 фоиз ошириб адо этган жамоа аъзолари айни кунларда бутун диққат эътиборни даладаги ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга қаратмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ҳўжаликнинг 11-бригадаси бошлиқ Жўра Тўлаганов ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Исмоил Зоҳидов билан галадаги вазифаларни белгилашмоқда; терилган ҳосилни қабул қилиб олиш пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



ВИЛОЯТИМИЗ туман ва ҳўжаликларида пахта йиғим-теримига оммавий сафарбарлик кейинги кунларда янада кучайди. Бу ҳол кунлик суръатдан ҳам яққол кўриниб турипти, Ҳозир қишлоқда истиқомат қилувчи меҳнатга яроқли кексаю ёш пахтакорларга ёрдамга олинган. Шу боис вилотиимизда кунига йиллик режага нисбатан бир фоиздан ошириб пахта тайёрлашга эришилмоқда. Чунки, 30 октябр кунини даладаги жами 2797 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Шу кунгача тайёрланган хом ашё эса 242 минг 872 тоннага етди. Бу

Вилот туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 31 октябргача бўлган МА Ъ Л У М ОТ

(фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — туманлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан бери

Покент	0,38	101,31
Чиноз	0,68	100,88
Бўжа	0,71	97,01
Оқўрғон	1,45	92,89
Бекобод	1,01	88,76
Янгийўл	1,01	87,22
Ўртачирчиқ	1,18	80,74
Юқоричирчиқ	1,20	77,78
Куйичирчиқ	1,30	70,94

Вилот бўйича 1,02 88,32

йиллик режага нисбатан 88,32 фоизга тенгдир.

Марра сари дадил интилаётган оққўрғонлик пахтакорлар шу кунги теримда вилот бўйича энг юқори ўсишга эришдилар. Қабул пунктларида 572 тонна ёки йиллик режанинг 1,45 фоизи миқдорда пахта топширилди.

Йиғим-терим ушшоқлик билан олиб борилаётган Бекобод, Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманлари меҳнаткашлари ҳам йиллик режани иложи борица тезроқ бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Режани биринчи теримдаёқ урдалаган Ўсган Абду-саматов, Оллоберган Тўйбоев, Маъруф Абдуназаров, Абдуҳали Саидзимов бошлиқ бригадалар ҳозиргача ҳосилдорлики 30-35 центнерга етказиб, умумий хирмонга баракали ҳисса қўшдилар.

Оилавий пудратчилар қўл теримини ушшоқлик билан олиб боришди. Жамила Қолдибоева, Халима Чўлпанова, Раъно Сайданова каби пудратчилар мавсумда 4-5 тоннадан пахта териб, мўмай даромадди бўлдilar.

Ҳўжаликда терим давом этмоқда. Мақсад давлатга яна камида 100 тонна пахта топширишдир.

Дониёр КАМОЛ.

КИРҚ ФОИЗИ — «КЕЙС»ДА

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги «Тошовул» ширкат ҳўжалиги аъзолари давлатга пахта сотиш йиллик шартнома режасини бажардилар.

ШАРОИТ оғир бўлишига қарамай, агротехник тадбирларни вақтида ва маромига етказиб бажарган ҳўжалик пахтакорлари бу йил ҳам мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Асосий эътибор машина теримига қаратилган ўз самарасини берди. Шу кунгача давлатга топширилган 2030 тоннадан зиёд хом ашёнинг 820 тоннаси яъни 40 фоизи «Кейс»ларда йиғиштириб олинди.

БИРЖА ХОДИМЛАРИ САБОҚ ОЛМОҚДАЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитларида ишлаб турган турли-туман биржа ходимлари зиммасида мураккаб вазифалар туради. Шунинг учун ҳам уларни доим биржа аниқликлари билан таништириб туриш, малакаларини ошириш, амалий маҳоратларини кучайтириш талаб этилади.

Шуни ҳисобга олиб, республика биржа кенгаши ҳузуридаги биржалараро ахборот таҳлил маркази — БАТМ тузилмасида махсус ўқув маркази ташкил этилди ва у ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бормоқда. Бу ерда «Товар биржаси. Брокерлик фирмасининг товар бозоридаги иши», «Бизнес-менлар учун амалий инглиз тили», «Компьютер саводхонлиги» курслари ишлаб турибди. Унинг тингловчилари ўқиш тугаганидан кейин сертифициктан оладилар. Бу уларга республикамиз товар-хонаш биржалари тизимида ишлаш ҳуқуқини беради.

— Кейинги вақтларда республикамизнинг турли вилотларига мутахассислар юбориш ва жойларда кўча семинарлар ташкил этишга эътиборни кучайтирдик, — дейди ўқув маркази директори Шоира Махмудова. — Бу машғулотлар иштирокчилари товар хонаш биржасида брокерлик фирмалари иши ҳамда компьютерлар ёрдамида иш юритишнинг ўзига хос усуллари билан таништирилади. Унинг ишида биржачилар билан бирга ҳокимликлар, «Ўзлугуржибиржасавдо-

нинг вилот компаниялари, давлат мулк кўмитаси ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмалари филиалларининг вакиллари, тадбиркорлар, кичик, ўрта бизнес раҳбарлари ва бошқалар иштирок этадилар.

Бундай семинарларни ташкил этишдан асосий мақсад вилотлардаги товар-хонаш биржалари ходимлари ва брокерларнинг малакасини оширишга ёрдам беришдир. Уларни республикамизнинг барча ҳудудларида ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Ўқув маркази тадбиркорлар ва биржа ходимларига ҳар томонлама ёрдам беришни кучайтириш, уларни малакаси ва билим даражасини ошириш бўйича ишларни муттасил давом эттиради. Яқинда унинг ҳузурида яна бир янги курс очилди. «Меҳмондорчилик одоби» деб аталувчи бу курсда дастурхон атрофида ўтириш, меҳмонларга яхши хизмат қилиш, дастурхонни безаш ва бошқа шу каби қондалар ўргатилади.

Эльвира ЯГУДИНОВА.

Яқинда Оксаройда энергетика тизимида ишлаб турган қувватларни ривожлантириш ва таъмирлаш истиқболларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин электр энергиясини ишлаб чиқариш ва халқ ҳўжалиги тармоқларини эҳтиёжига яраша таъминлаш борасида катта ишлар қилинганлиги таъкидланганлиги билан бирга бу соҳага янги технология ва лойиҳаларни жорий этиш зарурлиги ҳам уқтирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, энергетика республикамизнинг бугунги тараққиёти ва истиқболлини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади.

— Президентимизнинг йиғилишда шу масала юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, ўртага ташлаган тақлифлари ва қимматли маслаҳатларини мамлакатимиз барча энергетиклари қатори Янги Ангрэн иссиқлик электр станциясининг кўп қишлоқ жамоаси ҳам зўр қизиқиш билан қўлиб олди ва уларни чуқур ўрганмоқда, — дейди биз билан суҳбатда корхона директори Темури Абдуллаевич Юнусов. — Президентимиз ўз нутқида энергетикани истиқболда ривожлантиришнинг бир қанча стратегик йўналишлари ҳақида тўхталди. Жумладан, бу соҳага сарфланаётган маблағ бугун фойда келтириш, аниқ чоғда мамлакатнинг эртанги кунига ҳам хизмат қилиши, ёқилғи сарфини камайтириш, тежамкорликка эришиш, янги ва замонавий қувватларни ишга тушириш қатори мазкур тизимда халқаро кооперацияни кучайтириш ва бошқа масалалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, қимматли хонаш ҳисобланган

зарур.

Бизнинг станцияда ҳам асосан газ, мазут ва кўмир ёқилади. Ангрэнда кўмирдан фойдаланишни кенгайтириб, газни ёқишни камайтириш учун қўлай имкониятлар мавжуд. Чунки, кўмирнинг катта захиралари шу ерда жойлашган. Уларни қазиб олишни кенгайтириш билан бу муаммони ҳал қилиш мумкин.

Шу йиғилишда ёқилғи қазиб

ятда масъулиятли эканлигини яхши тушунадилар. Юзлаб корхоналарнинг бир маромда ишлаши, аҳоли турар жойларининг туну кун нурафшон бўлиши, фаровонлиги қисман бизнинг меҳнатимизга ҳам боғлиқ.

Шу туфайли ҳам жорий йилнинг 9 ойидаги меҳнатимиз якунлари ёмон бўлмади. Шу даврда халқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун 5 миллиард 489

лари бор, албатта. Унга алоҳида тайёргарлик билан келиш талаб этилади. Бу иш доим жамоамиз диққат марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Тайёргарликдаги паллапартишлик, лоқайдилик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу амалда синналган.

Хар йили қиш мавсумида ишлашга алоҳида ҳозирлик кўради. У ёз ойларидаёқ бошлаб юборилади. Бу йил ҳам аниқ режа асосида олиб борилади. Унда белгиланган тадбирларнинг кўпчилигини амалга ошириб қўйдик. Ишлаб чиқариш бўлинмалари иштирокчилари, энергетикларнинг қишда ҳам унумли ишлашлари учун қўлай шароитлар яратиб беришга қаратилган чоралар қўрилди. Энг муҳими бу мавсумда ёқиладиган кўмир етарли миқдорда галаманди, 5- ва 6-кўват мажмуалари таъмирдан чиқарилди. Бошқа қатор катта-кичик асбоб-ускуналар ҳам синчиклаб кўриқдан ўтказилди ва аниқланган нуқсон бартараф этилди. Умуман ҳозирнинг ўзидаёқ корхонамиз қишда ишлашга тўла тайёр, деб айтишимиз учун барча асослар бор. Биз бу мавсумда ҳам халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган нурнинг бир маромда етказиб берилишини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни бир сўз тўхтатмай давом эттирамиз.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЭНЕРГЕТИКА — ИСТИҚБОЛ ВА ИМКОНИЯТ

Янги Ангрэн иссиқлик электр станциясида кенг қўламда аниқланган жараёни бошланмоқда

газни нурхоналарда ёқишни бутун чоралар билан камайтириш зарурлигини уқтирди.

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги вақтда республикамизда ишлаб турган аксарият кўпчилик иссиқлик электр станциялари асосан газ билан ишламоқда. Тўғри, «зангори олов» ҳозирча анча арзон, уни ёқишнинг ҳам ҳеч қандай қийинчилиги йўқ. Лекин, аввало унга қимматли хонаш сифатида қараш керак. Уни қайта ишлаш билан халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган жуда кўп маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Бунинг устига табиат ато этган бундай бебаҳо неъматларни келажақ авлодлар учун ҳам асрашимиз

чиқарувчилар билан уларнинг асосий истеъмолчиси бўлган энергетикларнинг ягона тижорат тизимини йўлга қўйиш тақлиф этилди. Бу аввало, иссиқлик электр станциялари учун ёқилғи таъминотида жуда катта қўлайликлар яратиши мумкин. Ёқилғи етказиб беришдаги қўлайликлар тўла барҳам топади. Бу эса нурхоналарда электр энергиясини ҳосил қилиш бир маромда узлуксиз боришини таъминлайди.

— Темури Абдуллаевич, нурхона жамоасининг жорий йилдаги ишлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Энергетикамиз ўз зиммаларидаги вазифанинг ниҳо-

миллион 736 минг киловатт-соат электр энергияси етказиб берилади. Бу режа топшириқлари тўла ва ошириб бажарилаётганлигидан далолат беради.

— Маълумки, қиш мавсумида дарё сувлари камайиши натижасида гидроэлектр станцияларида электр энергияси ҳосил қилиш бироз қисқаради. Унинг ўрнини эса иссиқлик нурхоналари жамоалари тўлдирди. Бу ўз наъбатда қишга пухта тайёргарлик қўйишнинг тақозо этади. Станцияда бу соҳада қандай ишлар амалга оширилди?

— Қиш мавсумида ишлашнинг ўзига яраша қийинчили-

ДАРЁДИЛ ИНСОН

Айни ўсмир вақтларимиз эди. Ҳамза номли академик драма театри янги жой (собиқ «Ватан» кинотеатрининг биноси)га кўчиб ўтган кезлари. Тенгқурларимиз билан «Мирзо Улуғбек» томошасини кўриб, Шукр Бухоновнинг истеъдодиға қойил қолиб юрардик. Янги бинада бизни янги томошалар кутаётганидан беҳабар эдик.

Ковун бўёқда, дейман.

«Кўявер, — кўл силтайди у киши. — Анови чолни кўраясанми, соқолини, кийим-бошини қара. Ана ўша Сулаймон ота!» Ҳамма нарасага тушунаман қоламан. Шукр ака Сулаймон отани излаб юрган экан. Бозордагина эмас, ҳатто чойхоналарда ҳам бўлар эканлар. Бир сафар чой шопири ўтирган хоразмлик мўйсифиди кўриб роса завқлангандилар. «Мана, Сулаймон ота», деганлари ҳали-ҳали эсимда. Демокриманки, Шукр ака образини катрама-катра йиққанлар. Катраладан йиғилиб Сулаймон отадек дарё ҳосил бўлган. «Қиёмат қарз» саҳнада узлуксиз етти йил ўйнади. Ҳамма-нинг кўзида ёш, дили тўла ҳаяжон. Шукр ака саҳнага киши олдидан уч-тўртта укол олардилар, қон босимлари юқори эди. Спектаклдан кейин бир ҳафта ун кун қушдек бўлиб юрардилар.

Шукр Бурхон — Сулаймон ота ҳаётида йўқ бўгун. Жисман йўқ. Юрак торларини узиб юборадиган бу сўзини айтгим келмайди, аммо, найлож. «Қиёмат қарз» томошасидан яхши бир хулоса чиқарганман. Бировнинг ишига аралашмасан, ҳеч кимнинг ҳақини йўқ. Лекин Сулаймон отанинг ҳақи бор. Кишлар дардиға малҳам бўлиш, уларнинг оғирини енгил қилиш бу Шукр аканинг ҳам оdatи бўлган экан. Ўзбекистон халқ артисти, гоҳ Гамлет, гоҳ Юсуф Ялангтўш, гоҳ Мирзо Улуғбек бўлиб, эзгулик сабогини берган Шукр Бурхон ҳаётида ҳам, Сулаймон отадек яшаб ўтди.

Устоз санъаткорлар хотираси

НАВОЙИНИ КЎРГАНМАН

Охунбобоев номли колхозда ишлардим. Ўша йили экинларнинг авжи баланд эди. Ҳамманинг кайфияти зўр. Бир кун бригада бошлиғи Меҳмонкул ака «культоход» ҳақида сўз очиб қолди: «Бир Ҳамза театриға бориб «Алишер Навоий» томошасини кўриб келсак». Кекса колхозчи Обиджон ака жонлана кетди: «Шунча йил яшаб Навоийни кўрганман йўқ. Келинлар бир борамиз».

Алкисса, хурсандчилик билан театрга кириб келдик. Чироқ ўчиб, парда очилди. Кўз олдимизда ажайиб манзара намоён бўлди. Гулзор бог, унда нуруний бир киши шеър эзиб ўтирибди. Гоҳ кўзлар маънодор, бир нуктага қадалади. Паткалами ана қозғо узра йўғалаб кетади.

Бу — Алишер Навоий эди.

Зал жим-жит. Биров сал чуқурроқ нафас олса сезиларди. Ёнимда ўтирган Обиджон акага қарайман. Кўзлари билинар-билинмас ялтирайди, бир нималарни пичирлайди.

Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев! — ширлардим унинг қулоғига.

— Қани, — у атрофга бир қараб олди. Кейин саҳнага қадалди. — Навоийку, ука...

Шу бир оғиз сўзни актёрнинг ўзи эшитганди, Олим Хўжаев энг буюк муқофот олганини, албатта таъкидларди.

Олим Хўжаевнинг ижро этган роллари жуда кўп: Гамлет, мавлоно Фигоний, Ҳамза, профессор Комил... уларнинг орасида Алишер Навоий алоҳида ўрин тутади.

Ҳамза театридаги энг кучли роллари илк бор машхур Аббор Хидоятлов ижро этганини ҳамма биларди. Олим Хўжаев Навоий образини яратишга бел боғлаганда, унинг олдида икки йўл турарди: Аббор

Хидоятлов талантиға қойил қолиб, айнан ўшандек ижро этиш ёки буюк актёрдан ўрганиб, янги Навоий яратиш. Актёр иккинчи йўлни танлади.

— Олим ака Навоий ролини ижро этишга қатъий тайёргарлик кўрдилар, — деб ҳикоя қилганди артистнинг рафиқаси, Ўзбекистон халқ артисти Шохида Маъзимова. — Улар ўқиб чиқмаган биронта китоб қолмади. Уйғун ва Иззат Султон билан кунда суҳбат. Репетиция устиға репетиция. Режиссёр хурсанд: роль жуда пишиб қолди. Олим ака ҳафалар: кўнглимдагидек чиқмаяпти. Яна узун кечалар ойна олдидаги машқлар... Менинг у кишиға Гули бўлиб овоз бериб туришларим...

Ролни ижро этиш шунчалар қийинмикан? Биров кишиб, «у ундок эмас, бундоқ киши эди» демаса. Ҳа, ана шунинг учун ҳам рол ижро этиш мушкул!

Олим Хўжаев Алишер Навоийни ижро этадиган пайтда Аббор Хидоятловдан сўрашди:

— Олим ўйнамоқчи Алишерни, сиз нима дейсиз? — Майли, ўйнасин, мен бир нарсa демайман.

Кейин маълум бўлишча, Олим Хўжаев бир неча йиллардан бери Навоий ролиға пинҳона тайёргарлик кўриб келаётган экан. Шунинг учун бўлса керак, спектаклнинг саҳнага чиқиш жараёни бирмунча осон кечди...

Олим Хўжаев билан 44 йил бирга яшадик. Бирон марта мени «сен» деганларини билмайман. Жуда ҳам одоли, маданиятли инсон эдилар. Ҳамшиша мени хурмат қилсалар ҳам, гоҳ кунлари жуда айрича муомалада бўлардилар. — Гулим, бугун жуда ҳам очилиб кетибдиларми? Ёки пардозми?

«Гулим» дейилдими, ҳама нарсa менга тушунарли бўлади: кечқурун «Алишер Навоий» ўйналади. Лекин сезмаганга оламан. — Ҳеч пардоз қилмаганман. — Бефардосгинам! — Шундан кейин сўз дастур-



хонга кўчарди: — Бугун овқатларингиз ҳам жуда ширин бўлибди-да!

Бунақанги мактов гоҳида ҳафтасига икки-уч марта такрорланарди. Негалиги фақат менга маълум: спектаклнинг Астрофод саҳнасида ижро этиладиган «Ун саккиз ёшингдадур» кўшигини мен ижро этишим керак. Бўлмаса Олим ака «Сиз кўшиқни айтмасангиз Навоийга бир нима етишмаётгандек бўлаверарди» дер эдилар. Шунинг учун ҳам «Алишер Навоий» ўйналадиган кун саҳардан менинг шаъниға ҳамду сано ёғиларди...

Бир гал Олим ака даволанишга стационарга ётдилар. Хар кун кўргани борамаман. Бир сафар палатада нотаниш киши билан суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Менинг Олим аканинг турмуш ўртоғи эканлигидан хабари йўқ экан шекилли, менга тушунтирди: «Бу кишини биласизми, синглим? Билмасангиз билиб қўйинг: Алишер Навоий бўладилар».

Ох, шу кун Олим ака кечгача осмонни фалакда қўридилар. У киши саҳнада Алишер Навоий образини яратганларига, 700 марта ижро этганларига, чеккан барча меҳнатларига рози эдилар. Шу бир оғиз сўз рози қилди...

Мен Алишер Навоийни кўрганман.

Мен Алишер Навоийни кўрган бахтиёрлардан бириман.

Олим Хўжаев буюк шоир сиймосида қалбларимизда мангу қолди.

ПАРИНИНГ ОШИҒИ

Олтиминчи йилларнинг бошларида Муқимий номли республика давлат музикали театри саҳнасида кетма-кет икки комедия пайдо бўлди. Муаллифи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фулом бўлган бу комедиялар фавқулодда машхур бўлиб кетди.

«Фаргона ҳикояси» саҳнага чиққанидан кейин Ўзбекистон халқ артисти Соиб Хўжаевнинг комик иктидори ҳақида илиқ фикрлар айтила бошланди.

«Унинг учун пьеса ёзиш керак» деган гаплар ҳам пайдо бўлди. Шундай гап-сўзларнинг, интилишларнинг меваси ўлароқ «Тошболта ошиқ» комедияси дунёга келди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Фуломнинг таъкидлашча, театр жамоаси халқ артисти Раззоқ Хамроев бошчилигида пьеса ўқилаётганда, Соиб Хўжаев хурсанд бўлиб кетган экан: «Пьеса мен учун ёзилган экан-ку».

Буни раҳматли Рисолат пари — Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова ҳам таъкидлаб, шундай деган эдилар:

— Бошқаларни билмадим, лекин менинг фикрим шу: пьеса Соиб ака учун ёзилган. Агар Тошболтани бошқа актёр ижро этганида ҳам, у қанчалар маҳоратли бўлмасин, барибир Соиб акачалик ижро этолмасди.

— Соиб ака билан кўп спектаклларда партнёр бўлганимиз?

— Ҳа, лекин энг муваффақиятли чиққани «Тошболта ошиқ».

— Соиб ака спектакл давомида ўзидан гап қўшиб юбораверган экан...

— Вой, нимасини айтасиз. Пьесада йўқ гапларни қўшиб юбораверардилар, мен адашиб кетишимга сал қоларди дегн.

— Спектаклнинг қайси

жойларида қўшганлар?

— Мен сизга айтсам, мачит саҳнаси бор-ку, мана шу ерда Тошболта хаёл сурадиган, орзу қиладиган ерлари бор. «Саттор боласи Саттори» деб қўшаверардилар. Саттор кимлигини биласизми? Соиб аканинг ўғиллари.

Пьеса бўйича Рисолат пари дутор чертиб, ашула айтарди, Соиб акага айтдим:

— Бу дутор чалиб қўшиқ айтиш нимасийди? Рисолат жуда сатанг чиқиб қолаяпти-ку!

— Тўғри айтасиз, — дедилар у киши ҳам, — кўнглимга келиб турувди шу фикр, хўш, нима қиларимиз?

Хуллас, Рисолат пари Тошболта ошиқнинг рўмолини ювиб, гулга ёяди. Тошболта: «Хотиним Кумрин ўлгандан бери умрим ҳам-қойишда» дейди. Рисолат пари шундан кейин: «Қўйинг, гап курсин, ўйнаб қилишга нима етсин» деб ўз дардини қўшиқ қилиб қуйлайди.

Осмондаги бўз тўғрай, Бўзламасанг на бўлғай.

Иккаламиз қувнасак, Маҳалла-қўйлар тўлғай.

Қуралай кўз, қуралай, Туйнугиндан мўралай, Сен алло айтганингда Оҳангига йўғалай.

«Тошболта ошиқ» ўш шарҳида вилот драма театрида ҳам саҳналаштирилди. Тошболта партиясини Соиб Хўжаев ижро этиш учун тақлиф этилди. Бу ўзига қас «якка гастролда қизик воқеа рўй берганди. Рисолат пари Тошболтани овқатга тақлиф

Уч юлдуз. Улар тирик бўлишганида бу йил тўқсон ёшларини нишонлар эдилар. Гарчи жисман оранизда бўлишмаса-да, руҳан тирикдилар. Ўзлари кинода, саҳнада яратган бехисоб, биридан бири ажайиб роллари билан ҳамон эзгулик улашяптилар. Уч юлдузнинг шушларини саҳнамизни ҳамиша мунаввар этиб тураверарди.



этганда Тошболта одатда:

— Эй, пари, қорним тўқ, келатириб шолғом шўрва ичудим, — дейди. Ўш театри саҳнасида эса Соиб ака бошқача гап айтиб юборади:

— Қўяверинг, пари, овора бўлманг, мен бу ерга кела туриб Махсум акамникига кириб қўй гуштидан палов еб чикувдим.

Махсум ака бутун ўшга таникли киши эди. Соиб акани билган кишлар оғзидан бол томиб макташарди. Соиб ака аслида хар қандай мактовдан юқори эдилар. Одобли, ақли, айтадиган гапини уйлаб айтардилар. Актёр сифатида ҳам тенги йўқ эди. Етук актёр деганда мен шу кишини тан оламан.

Гоҳ-гоҳида радиода дилбар оҳанглр янграб қолади: «Қуралай кўз, қуралай, туйнугиндан мўралай». Кўз ўнгимда Тошболта — Соиб аканинг нуруний чехраси намоён бўлади. У кўзини хиёл қисиб, бошини бир ёнга ташлаб, гап қотарди: «Ана шунангн нозу фи-роғингизга борман-да, пари».

XX асринг сўнги юлдузлари

БИР ҚЎШИҚ ТАҚДИРИ

«Мени ўнгил эҳтирос ила, бўса олгил қайноқ ва қайноқ: ушбу кеча мисоли сўнгги, кеча каби бермасин қийноқ». Бу бутун дунёда машхури жаҳон бўлган «Бесаме мучо» қўшигининг тўрт сатри, холос.



фарзанд сифатида менинг номини шон-шухратга қўлгади. Мени қарганимда бирор нарсa муҳтож қилаётгани йўқ. Мен қўшигимдан жуда розиман.

Бугун Консуло Веласкес якка ўзи уйдан ҳатто ташқарига чиқмасдан яшамоқда. Уни концертларга ҳам, радио ва телевидениега ҳам қамдан-кам тақлиф этишарди. Ҳатто уни унуттишаётганга ҳам ўхшашиди. Лекин «Бесаме мучо» даярли қар кун ижро этилади. Муаллифи ҳақида барчани оғоҳ этади.

«Мени ўнгил эҳтирос ила» қўшиғи ҳамиша янграйверсин. Чунки яхши қўшиқлар жуда кам. Бутун сайёрамиз «Бесаме мучо» сингари эҳтиросли, инсонни бир-бирини севиб яшашга ундовчи қўшиқлар билан тўлиб-тошса инсониятнинг чинакам бахти эмасми?!

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

ВАТАНГА ХИЁНДА АЙБЛАНМОҚДА

Озарбойжон харбий судида юқори мартабали бир харбий ва бир полициячининг иши кўрилмақда. Мамлакат қарбидаги Ганжий шаҳри полицияси бошлиғи Нотик Афандиев ҳамда харбий қисмлардан бирининг раҳбари Расим Акбаров ватанга хиёнат ва хизмат ваколатларини суистеъмол қилиш, ўқотар қуролларини ўйирлашда ва сақлашда ҳамда ўзгалар мулкани ўзлаштиришда айбланмаётр.

Тергов давомида Н. Афандиев ва Р. Акбаров Озарбойжон парламентининг собиқ раиси Расул Гулиев билан алоқада бўлганлиги аниқланган. Р. Гулиев истеъфода қолган, АҚШга кўчиб кетиб, ҳукуматга муҳолиф бўлиб қолган. Тергов натижаларига кўра, айбланувчилар 2000. йилнинг март ойида Озарбойжонда уюштирилиш реж-жаштирилган давлат тунтариши ҳақида айнан Р. Гулиевдан топириқ олган.

ЭМЛАШ БОШЛАНГАНИ БОИС

ХАРТУМ. Суданда фаолият кўрсатяётган Миллий озодлик армияси исёнчи гуруҳи ўн саккиз ёшдан ошмаган болаларни харбий ҳаракатларга жалб қилмай туришини билдирди. Бунга БМТнинг (ЮНИСЕФ) вакиллари мамлакатда воға етма-ганларни поликомелитга қарши эмлаш бошлагани сабаб бўлди.

Хабарларга қараганда, исёнчи тўда раҳбари Силво Кир ЮНИСЕФ ижро-директори Карол Белла-ни билан уршувдан сўнг шундай қарор қабул қил-ган.

НОҚОНУНИЙ САВДОГА ҚАРШИ

Буюк Британияда олмоснинг ноқонуний савдосига чек қўйиш масаласига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда ўттиздан ортиқ мамлакат ҳамда халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди.

Жорий йилнинг июлида ҳам шу масала бўйича халқаро анжуман ўтказилган ва унда бу борада ҳам-корликда тадбирлар ўтказишга қелишиб олинган эди, деди мезбон мамлакат вакили Питер Хейн. Бирок шу кунгача олмоснинг ноқонуний савдосига қарши жи-дий тадбирлар ўтказилгани йўқ. Жиноятчилар қим-матбоҳо тош билан савдо қилишда давом этмоқда. Африканинг айрим исёнчи тўдалари эса бунинг эва-зига четдан қатт миқдорда қурол-ароқ сотиб олиб, харбий ҳаракатларни янада фаоллаштиратир.



● Колумбия пойтахти Боготадаги Хименес шоҳ-қўчасида қимматбаҳо тош-лар савдоси қизимоқда. Айтишларича, ҳозир бу ерда тўғридан-тўғри қўча-нинг ўзида қўнға милли-ондан ортиқ олди-сотди бўлмоқда. Гарчи бу хўфа бозорнинг махфудлиги ва гуриқираб ривожланаётган фаолияти ҳукуматга маъ-лум бўлса-да, ундан кўз қомилмоқда. Боготалиқлар эса ушбу қўчани шаҳарнинг энг диққатга сазовор жойи, деб ҳисоблай бошладилар.

● Австрияда «Вальс-лар қироли» Иоганн Штра-уснинг 175 йиллиги нишон-ланмоқда. У ўзининг 74 йиллик умри давомида му-сиқа оламиға кўплаб но-дир асарлар ҳада этди. Унинг қўнғина асарлари ҳали ҳам оммавий ҳисоб-ланади. «Мовий Дунай со-ҳилларида» деб аталган вальс эса Австрия миллий му-сиқасига айланган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУНИЁ АСР бўсағасида воқеалар мамлакатлар одамлар

АСҚАР АКАЕВ — САЙЛОВДА ҒОЛИБ

Ўтган ақшанба кун Киргизистонда президент сайло-ви бўлиб ўтди. Унда амалдаги давлат раҳбари билан бирга, яна беш номзод қатнашди. 30 октябрь кун мам-лакат Марказий сайлов комиссияси раиси Сулаймон Имонбоев эълон қилган дастлабки маълумотларга кўра, Аскар Акаев сайловчилардан 73,4 фоизнинг овозини олиб, мутлақ ғалаба қозонган. Унинг асосий рақиби, парламентнинг қўйи палатаси раиси ўринбосари Умур-бек Текебоев 11 фоизлик кўрсаткичга эришса олган. Қолган номзодлар 1 фоиз атрофида овоз олган. Фақат социал-демократлар партияси етакчиси Олмосбек Отам-боев 6 фоизга яқин овоз тўплаган.

С. Имонбоевнинг билдирлишича, 4,5 миллионлик Кир-гизистон аҳолисининг яримдан ортиқроғи сайловда қат-нашди ҳуқуқига эга бўлган эса, бевосита овоз беришда 1,9 миллион одам иштирок этган. Айни пайтда бюл-летенлар бўйича сархисоб ҳам даярли нисбатига етган. Энди бир ҳафта ичида мамлакат Конституциявий суди сайлов натижасини расман тасдиқлаши керак. Шундан сўнг бир ой ичида А. Акаев ўзининг инаугурация маро-симини ўтказарди.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

● Ирқчилик ва ирқий камситиш масалалари бўйича 2001 йилда бўладиган халқаро анжуман Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) ўтказиларди. Ушбу мамлакат ташқи ишлар вазирлиги вакили журналистларга шуни маълум қилди. Шунингдек, у ЖАР ҳукумати БМТни мажбур тад-бирни ўтказиш учун ўзи етарли миқдорда маблағ ажрати-шига ишонтирганини айтди.

● Германия ташқи ишлар вазири Йошча Фишер жур-налистлар билан учрашиб, ГФР Европа Иттифокнинг ке-нгайиши ҳамда Европада интеграциялашув жараёнини яна-да ривожлантириш тарафлари эканини айтди. Жумладан, ЕИГА биринчи бўлиб Польшани қабул қилиш керак. Ушбу давлат бошқа номзодларга қараганда тузилма талабларини фаоллик билан бажариб келаётр, деди ГФР ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари.

● Швейцария ҳукумати Косоводаги халқаро тинчлик-чи сақлаш қучлари (КФОР) сафида хизмат қилганган хар-биллар мандатини келаси йилнинг октябринга узайтиришга қарор қилди. Ҳукумат бунинг учун 15 миллион АҚШ долларни миқдорда маблағ ажратишни режалаштирмоқда.

Рости, уни илк бор эшитган одам бун муҳаббатга батамом берилган, эҳтироснинг қули бўлган йигит ёзган деб ўйла-ши мумкин. Лекин аслида ун-дай эмас. Уни бир пайтлар гўзаллиқда тенги йўқ мексика-лик пианиночи ва бастакор киз Консуло Веласкес ёзган.

«Мабодо мен ушбу қўшиқ-нинг сўзини ва музикасини ёзганимда ҳали ҳеч ким билан учрашмаган, бўса бермаган киз бола эдим, десам ҳеч ким ишонмаса керак. Мен ўша пайтда ўн олти ёшда эдим», деб хотирлайди Веласкес хо-ним. Мексикада уни «Бесаме мучо хоним» деб ардоқлаша-ди. Ҳа, у ўша пайтларда нико-ятда қелишган, одамнинг суки тушадиган даражада гўзал, жуда ҳам уятчан киз эди. Ҳат-то қўшиқ радио, телевидение-да бир неча йиллардан бери хар кун янграётган бўлса ҳам бировга уни мен ёзганман, деб айтмаган эди. Чунки у ёшгина кизда шунчалар эҳтирос бор деб ўйлашларидан жуда ҳам уялган эди.

Веласкес хоним эллик йил-лик ижодий фаолияти давоми-да жуда ҳам кўплаб ажайиб қўшиқлар, ораториялар, сим-фониялар яратди. Лекин у Мексика музика ҳазинасига, нафақат Мексика, балки жаҳон музикаси тарихига «Бесаме мучо» қўшигининг муаллифи сифатида кирди. Ушбу қўшиқ худди миллий мадҳия сингари Мексиканинг ташриф қозоғига айланди. У кимлар томонидан ижро этилмади, дейсиз.

«Битлз», Френк Синатра, Элла Фитцджеральд, Луи Армстронг, Рей Конифф, Элвис Пресли, Пласидо Доминго... Бу рўйхат-ни яна ача давом эттириш мумкин. Чунки эл назарига тушган хар бир хонанда уни ижро этишни ўзи учун шараф деб санарди.

«Ушбу қўшиқ мен учун энг орзули эшиқларни ҳам очиб берган олтин қалитчага айлан-ди, — деб ҳикоя қилди Велас-кес хоним. — Холливуд менга миллионлаб долларлик шарт-номаларни тақлиф қилди. Энг обрўли халқаро музика танлов-

ларига тақлифлар бўлди. Мен уларнинг ҳаммасидан бош тортидим. Ўз номим атрофида қўтариладиган шов-шувлардан жуда кўрқардим. Тинчгина, оилавий бахт билан яшашни, пианиночи сифатида концерт-лар беришни афзал кўрдим».

«Бесаме мучо» ўз муаллифини тўкин-сочин ҳаёт билан таъ-минлади. Веласкес хоним Ме-хиконинг энг эътиборли даҳа-ларидан бирида ўш каватида даниллама ўй сотиб олди. Бу ерда икки расом ўғли билан ҳозир ҳам яшайди. Егани ол-дида, емагани ортида. Бирги-на қўшиқнинг қалам ҳақи уни ҳозир ҳам бою-бадавлат яша-шиға етиб турипти. У қўшиқ фақатгина «Москва кўз ёшлар-га ишонмайди» бадий филь-мида янграганида қалам ҳақи олмаган экан.

— Бугун менинг қўшиғим улғайиб эллик ёшга тўлди. У ўзининг мустақил ҳаёти билан яшамоқда. Мен унинг ҳаётига аралашмайман. У жаҳоннинг даярли барча мамлакатларида янграйди. «Бесаме мучо» яхши

ЖАМИ ТЎРТ МИЛЛИОН

АҚШ армияни тақомиллаштиришда Чехияға ёрдам қўрсатиш учун яна 400 минг доллар ажратарди, деди мам-лакат мудофаса вазири Владимир Ветхи. Унинг айтишича, бу маблағ ҳаво ҳужумига қарши мудофаса тизимини яхши-лашга сарфланади.

АҚШ сўнгги ўн йил ичида Чехия армиясини замона-вийлаштириш учун жами тўрт миллион доллар ажратган.

КОСОВО МУСТАҚИЛ БЎЛСА

БМТ Бош қотибнинг собиқ Югославия бўйича махсус вакили Иржи Динстбир Косовоға мустақиллик берилишига қарши эканини маълум қилди. У Косово бўйича халқаро мустақил қосмонининг бу ҳақдаги тақлифини қўлаб-қув-ватламади. И. Динстбирнинг айтишича, ўлка суверенитети Болконда янги можаро келтириб чиқаради ҳамда Бос

Турмуш чорраҳаларида

И Б Р А Т

Навоий кўчасида жойлашган савдо растасининг ўртасидаги ҳўжалик моллари дўконининг тушки танафусдан кейин очилишини кўтиб ўтирдим. Ҳозиргина сотиб олган газеталаримни бироз у ёқ-бу ёғини кўриб, ўқиб чиқиб, соатимга қарадим. Хали дўконнинг очилишига пича қад бор эди. Катта, серкатнов кўчани томоша қила бошладим. Шу маҳал менинг тўғримга, катта кўча четига «Жигули» автомашинаси келиб тўхтади. Унда уч киши бор эди. Эркак, оила бошлиғи бўлса керак, машинадан шошилиб тушди.

— Мен магазинга кириб чиқаман, — деди у хотинига қараб.
— Тезроқ бўлинг, шундай ҳам кеч қолаётимиз. Бирёққа кетаётганда сигарет учун магазинга кириваришингиз жонга тегди, — деди жувон жавраб. — Ҳой-ҳой, бўшашмай, манави темир тўсикдан ошиб ўтаверинг, нима қиласиз ўтиш жойига бориб...

— Ойи, менга «морожний» олиб келсинлар, — деди онасининг ёнида ўтирган бола.

— Э, нафсинг курғур, бунча «морожний, морожний» деяверасан?! Кийимингга томизиб, менга иш орттиришинг қолувди сени. Ма, захарингга, манави олмани еб турақол, зора қакагинг ўнса! — дея жувон халтадан олма олиб болага узатди. Бола хурсанд бўлиб уни олди экан, аёл олмани тортиб олди:

— Шошма, тикилгур, очофат, арчиб берақолай, яна қорнинг оғриб қолмасин... — жувон қаламтарош билан олманинг пўстини арча бошлади. У ўтирган томондаги эшик очиб бўлганидан олма пўчоғини топтоза асфальт устига ташларди.

Аллақачон растадаги дўконлар очилиб, одамлар кириб-чиқиб турган экану, халиги оилани кузатиб бунчи ҳам сезмай қолибман. Туриб сал наридаги керакли дўкон томон йўналдим. Шу пайт орқада боланинг чинқириб йўллагани эшитилди. Халиги жувон эса:

— Нега олма еб, пўчоғини машина ичига ташладинг, тарбиясиз, — деб болани уришар, ўғли эса қайта-қайта:

— Ўзингиз ҳам кўчага ташлаб, ифлос қилдингиз-ку, — деб қайтарарди. Онасининг «Учир овозингиз» дейишига қарамай, тинмай шу гапни айтиб йўллар эди...

Баҳром ТОҶИЕВ.

ТАРИХИМИЗГА ҚИЗҚИШ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг Дилором Алимова, Розия Мўминова, Кахрамон Ражабов, Дилбар Рашидова сингари бир гуруҳ тадқиқотчилари Австриянинг Вена шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиёни ўрганиш Европа илмий жамияти — ESCFнинг еттинчи халқаро илмий анжуманида иштирок этиб қайтди. Тарихчи олимларимизнинг ўзбек давлатчилиги асослари, жадидчилик ҳаракати, тил маданияти, Мовароуннахрдаги ўрта асрлар спорт ўйинлари тарихига доир илмий маърузалари жаҳоннинг қирқдан зиёд давлатлари тадқиқотчилари томонидан катта қизиқиш билан кўтиб олинди ва махсус китоб ҳолида Европада чоп этиладиган бўлди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

«ОРЗУИМ ЎЗБЕКИСТОНДА РЎЎБГА ЧИҚДИ»

бўйлаб саёҳат қилдим ва кўпдан буюн ният қилган орзуимни амалга оширдим, — дея таъкидлайди Николас.

Шу билан бирга мактубда ушбу саёҳатнинг 5 ҳафта давом этганлиги қайд қилинади. Ана шу вақт мобайлида Н. Наш Истанбулдан (Туркия) Пекинга (Хитой) 7000 километрлик йўлни босиб ўтган. Саёҳат давомида Николас Ўзбекистонда ҳам бўлиб, «бетакрор ва сўз билан тасвирлаб бўлмайдиган» ўз таассуротларини 1200та фотосуратга муҳрлаган.

Мактуб муаллифининг таъкидлашича, у аллақачон ўз касбдошларини мазкур су-

ратлар билан яқиндан таништириб, уларда мамлакатимизга нисбатан катта қизиқиш уйғотган. Айни чоғда Ўзбекистон ҳақидаги ранг-баранг фотоларлар мамлакатда хорижий сайёҳликни янада ривожлантиришга, шунингдек, кенг Америка жамоатчилиги вакиллари эътиборини бой ўзбек маданиятига жалб этишга хизмат қилади, — дейди Н. Наш.

«Жаҳон» АА.

Келинг, бир қўлишайлик

«МАМАТ ҚИЗИҚ — СИЗГА ҲАМ ҚИЗИҚ»

Менинг Эшмамат деган ўртоғим бор. Бир идорада кичикрок лавозимда ишлайди. Соддалиги, ишонувчанлиги ҳамда беғуборлиги учун ҳамма яхши кўради. У билан боғлиқ ўтган воқеаларни бир-биримизга гапи-

риб, ўзимизча унга «Мамат қизик» деган «унвон» ҳам берганмиз. Ўзи ҳақидаги қизик гапларни эшитиб қолса, «тавба, шунинг нимаси қизик» деб елка қисади. Хуллас, у билан боғлиқ хангомаларни сиз ҳам ўқиб кўринг-чи...

КИМНИНГ ХОТИРАСИ ЧАТОҚ?

Ишдан сўнг Мамат билан бир жойга ўтиш учун унинг ишонасига кирдим. Дунёни гап билан икки айланиб, эшигини кулфлаб, кўчага чиқдик. Машинага ўтиришдан олдин, бирдан у:

— Оғайни, эшикни кулфладимми? — деб қолди. Мен ҳайрон бўлдим, ахир қалитни хатто икки марта бурди-ку. — Йўқ, эшикни ёлмадинг-ов, — дедим мен масҳара қилаяпти деб ўйлаб.

— Тўхта бўлмаса, кулфлаб чиқай, ўғирлайдиган нарсая йўқ-ку, шундаям, — деб яна ичкарига кириб кетди. Ичкаридан қайтиб чиқиб, менинг устимдан кулиб келаяпти:

— Э, оғайни, хотирам чатоқ бўлиб қолипти, иложи бўлса даволан, Эшикни ёлган эканман, қани кетдик.

БУҚАНИ ОЛИБ ЧИҚ

Тўй ҳаракатиға тушиб қолган Мамат қизик бир кунни уйига «боқилаётган букам бор, савдомиз келишса олинглар» деб, икки қассоб йигитни эргаштириб келибди.

— Мукам (хотинининг оти Мукамбар), ҳой Мукам, қассоблар келди, қани, буларга буқани кўрсат, — деб ҳовлида бақирибди.

Хотини уйдан чиқибди, келганларга салом берибди-да. Маматни бир четга тортибди.

— Қайси буқани, дадаси.
— Қайси, қайси, бир йилдан бери кулоғимни единг-ку, битта менга керакми шу буқа деб. Ўғлинг билан етаклаб чиқинглар, сотиб тўйга ишлатамиз.
— Вой, ўлмасам, ахир бир ой бўлди, бозорга олиб чиқиб сотдик-ку.
— Ия, бу уйда мен кимман ўзи, кап-катта буқа сотилса-ю, мен билмасам, — бақириб орқасига қараса, қассоблар йўқ бўлишди.

ТИШ ОҒРИГИ

Оғайним билан йиғинда бирга ўтириб қолдик. Қовоғи солиқ, бир қўли билан жағини ушлаб олган.
— Тинчликми, дўстим нима бўлди?
— Э, нимасини айтасан, уч кундан бери тишим оғриб, ҳоли-жонимга қўймапти.

— Тиш дўхтирга бўлиб, олдириб ташлай қоймай-санми, азоб чекиб юргандан кўра, — дедим.

— Шу йиғилишдан кейин борамен, бормасам бўлмайди шекли.

Орадан уч кун ўтди, уни кўчада учратиб қолдим.

— Қалай, олдириб тинчидингми? — деб ҳол сўрадим.

— Энди, оғайни бировга айтиб юрмагин-у, тишим эмас, қассобнинг оғригани экан. Шунинг оғриги жағимгача тушибди-да, — деди.

Мен ҳалигача бировга айтганим йўқ.

ЎЗИМАМ АЙТДИМ-А...

Иттифоқ Мамат ишлаган идорага туманининг катталаридан бири ташриф

бўриб қолибди. Ўша куну у навбатчи экан. Катта ундан: «қани бошлиқ, қаерга кетди», деб сўрабди.

— Кечирасиз, бошлиқ ярим соатдан кейин келиб қолади, лекин сизни танимай турибманда, — дебди Мамат.

— Ия, мени танимадингизми, мен фалончи фалончиевман, — дебди катта кесатик билан.

Довдираб қолган Мамат:

— Ўзимам «шу одамга ўхшар экансиз» деб турувдим-а, — дермиш.

ТўЛАГАН БОТИР

Мамат бир оғайниси билан қўшни маҳаллага тўйга бориб қолибди. Уларни меҳмонлар ўтирган уйга киритишибди. Роса қимизхўрлик бўлиб, хамир овқатга тўйишибди.

Даврада бахшилиқни эндигина бошлаган бир йигит ҳам ўтирган экан, бошқалар ундан у-бу нарсая айт, деб илтимос қилишибди. Йигит йиманибгина дўмбирасини олиб, чертиб паст оҳангда бошлабди.

Тўлаган ботир, Тўлаган ботир

Сой ичидан келаятир... Қарияларнинг сусти босганми, йигит томоқ қириб шу мисраларни уч-тўрт марта қайтарибди.

Қимиздан ичиб, қизиб олган Мамат сабри чидамай:

— Э, ука, ўзи ботир бўлса, сойнинг ичидан қачон чиқади бунинг, — деб ўрнидан туриб кетибди.

Ҳамид НОРҚҮЛ.

ЧЕМПИОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ



ЎЗБЕКИСТОН чемпионати олий табақаси жамоалари навбатдаги 34-тур учрашувларини ўтказдилар. Тўртта учрашувда йирик ҳисоб қайд этилганига қарамай, ушбу тур голларга бой бўлмади. Дарвозаларга 33та, яъни ҳар бир ўйинда ўртача 3,3тадан тўп киритилди. Учта учрашув дуранг натижа билан тугади.

«ДўСТИК» бу турда жадвалнинг тўққизинчи поғонасини эгаллаб турган «Сурхон»нинг меҳмони бўлди. Шунга қарамай, вакилларимиз чемпионга ҳос ўйин кўрсатиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозондилар ва чемпионлик унвонларини сақлаб қолиш учун яна бир қадам олға босдилар.

Вилоятимизнинг икки вакили — «Металлург» ҳамда «Семурғ» бу турда ўзаро куч синашдилар. Ўйинда ҳисоб очилмади. «Кимёгар» эса иккинчи ўринда бораётган «Насаф» жамоасига қарши майдонга чиқди. Чирчиқликлар сафарда рақиб дарвозасига иккита тўп киритдилар, бироқ ўтказиб юборилган тўртта гол қаршиликларга уч очко келтирди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бухоро» — «Зарафшон» — 4:2, «Қизилқум» — «Самарқанд» — 2:2, «Нефчи» — «Темирўйилчи» — 4:0, «Андижон» — «Навбахор» — 4:2, «Трактор» — «Пахтакор» — 1:1, «Хоразм» — «Гулистон» — 2:1, «Турон» — «Сугдиёна» — 1:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 2 ноябрь куну ўтказилади.

Хоназаров хотира турнири

ЎСМИРЛАР МАЙДОНГА ТУШИШДИ

КЕЧА Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳида Жўра Хоназаров хотираси учун ўсмирлар ўртасида халқаро турнир тантанали очилди.

РЕСПУБЛИКАДА биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақаларнинг халқаро турнир дейилиши бежиз эмас. Унда қўшни республикаларнинг ўсмирлардан тузилган жамоалари ҳам иштирок этади.

Тошкент шаҳар, барча вилоятлар ҳамда меҳмонлар ўртасида бир ҳафта давом этадиган халқаро турнир қолиби 7 ноябрь куну маълум бўлади.

«Осиё кубоғи — 2000»

КУНЧИҚАР ЮРТДА ҚУЁШ БАЛҚИДИ

Япония футбол терма жамоаси иккинчи марта Осиё чемпиони унвонини қўлга киритди.

ФИНАЛ учрашувини ойнаи жаҳон орқали кузатган миллионлаб футбол ишқибозлари олам-олам завқ олиб, мириқиб хордик чикардилар десак муболага бўлмаса керак. Телепортатх суҳандони таъкидлаганидек, япония ҳам, араблар ҳам Оврупонинг манаман деган қучли жамоалари даражасида малакали ва чиройли ўйин кўрсатдилар.

Спортда «омадлилиқ» ва «омадсизлиқ» доимо ёнма-ён юриди. Қучлар тенг келганида ёки бирор томоннинг маҳорати бироз устун келиб турган вазиятларда ана шу икки тилсимот масалани ҳал этади. Финал беллашувида ҳам шундай бўлди. Омадсизлик арабларнинг чекига тушган бўлса, омад японларга қўлиб бокди. Ўйиннинг 30-дақиқасида Масуцуки Шигиоши киритган ягона тўп японияликларнинг иккинчи марта Осиё чемпиони бўлишлари учун кифоя қилди. Накамура жарима тўпини шеригига шундай қуриятликларга ғалаба келтирди.

Дарвоқе, финал учрашувидан олдин учинчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда ҳам Жанубий қуриятликлар Хитой терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратишлари мумкин эди. Лекин қорейслар қўп ҳолларда тўпни дарвозага оқиб йўллай олмадилар. Бу учрашувда ҳам ягона гол қуриятликларга ғалаба келтирди.

Дарвоқе, финал учрашувидан олдин учинчи ўрин учун бўлиб ўтган ўйинда ҳам Жанубий қуриятликлар Хитой терма жамоасини йирик ҳисобда мағлубиятга учратишлари мумкин эди. Лекин қорейслар қўп ҳолларда тўпни дарвозага оқиб йўллай олмадилар. Бу учрашувда ҳам ягона гол қуриятликларга ғалаба келтирди.


Бўш вақтларда

МАЙСАЛАРНИНГ КЎЗ ЁШИ НИМА?

ЭНИГА: 5. Хинд маъбудларидан бири. 6. Бирор ишни навбатлашиб баҳарувчи икки кишидан бири. 9. Оллоҳнинг уйи. 12. Наманганлик келин. 13. Безларнинг ўсма касалиги. 14. Йўлгон ил. 17. Бинафша ранг кимматбаҳо тош. 18. Вильт касалигининг бир хили. 19. Спорт мусобақаларида олдинда борувчи киши. 20. «Йўлчи қолду» асари қахрамони. 22. Наъматакнинг бир тури. 24. Очқаб ҳавода тунда оддий кўзга қўринадиган ёруғ йўл. 24. Пальма виносидан тайёрланган арак. 29. Фарангистондан келтирилган узум нави. 30. Сигир-қўйруқдошларга мансуб қўп йиллик ўт. 31. Жинс ҳосил қилувчи минерал. 32. Хиндистондаги шат. БЎЙИГА: 1. Нокнинг бир тури. 2. Таҳқир қилиб ёзилган хат. 3. Ўзбекистон халқ артисти. 4. Испан эодағони. 7. Майсалар кўз ёши. 8. Жарида, журнал. 10. Нефтини ёндириб отувчи жанговар қурул. 11. Қон аралаш пешоб. 14. Ўзбек миллий кийимларининг ифтихори. 15.

Оёқ ташлаб қилинган ҳаракат. 16. Ҳам овқат, ҳам дарё. 21. Ўзбекистон халқ шоҳи, та-ни-и-кли машҳур х о -

нанда. 23. Тиббиёт ходими. 25. Отасига олмаслиқни ўқитувчи шахар. 26. Оши бор қозон. 28.



Тузувчи: Тожиали УМАРОВ. Зангиота тумани.

Газетанинг 25 октябр сонида босилган бошқотирма ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 5. Олача. 7. Капрал. 8. Зиндон. 9. Сайсхона. 11. Арашон. 13. Амри. 15. Тарпан. 17. Султонлик. 18. Батлимус. 20. Акашак. 22. Аруба. 23. Егекли. 25. Лапландия. 28. Байрон. 29. Ёркенд. 30. Сатин.

БЎЙИГА: 1. Анолой. 2. Глазго. 3. Мараскин. 4. Картуш. 6. Хонлар. 9. Синтобқул. 10. Антология. 12. Ақула. 13. Адиба. 14. Итака. 16. Прусс. 19. Сурапати. 21. «Шабнам». 24. Камина. 26. Понсад. 27. «Диенат».



Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 1-5 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши эҳтимоли бор. Ҳарорат кечалари 4-9, кундуз кунлари эса 12-17 даража илқ бўлиши кутулади. Шу даврнинг иккинчи ярмида ҳарорат аста-секинлик билан кўтарилиб, кечалари 8-13, кундуз кунлари эса 20-25 даража атрофида илқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ
•
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48,
136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.